

Иван Шчербаков деган дехкон бўларди. Тирикчилиги ёмон эмас, бардам-бадавлат, кишлокдаги ман-ман деган мардумлардан эди. Иваннинг ўгиллари хам аллакачон ёнига кирган. Улкани уйли-жойли, ўртанчаси унаштирилган, кенжатои хали ўсмиру, лекин у хам бўйга етиб, омоч хайдашга яраб колган эди. Иваннинг онаси эсли-жўяли, рўзгорнинг жонини киргизадиган хотинлардан эди. Хотини эса, мўмин-кобилгина, оёқ-кўли чаккон аёллар тоифасидан. Хуллас, Иван Шчербаков рўзгоридан гам емай айшини суриб юрса бўларди. Аммо Гаврило чўлок деган кўшниси билан оралари бузилдию тирикчиликнинг мазаси кочди.

Хамма бало арзимаган нарсадан бошланди. Иванларнинг товуги хали ёш бўлса-да, тухум туғишига киришди. Иваннинг келини хурсанд бўлиб, хайитга тухум тўплай бошлади.

Худонинг берган куни казнокка бориб араванинг кутисидан тухум олиб келарди.

Бирданига тухум йўколадиган бўлиб колди. Афтидан болалар товукни хуркитиб юборганми, у четан девордан кўшнисиникига учиб ўтиб, шу ёқда тухумлаб келадиган килик чикарибди. Бундан келин шўрликни хабари хам йўк. Товуги какагласа тухум тугъяпти деб хурсанд бўлади. Бир куни кечлатиб казнокка борди. Караса, тухум йўк. Келини хайрон бўлди. Сизлар олмадингларми, деб уйдагилардан сўради. Йўк, дейишди. Шу пайт кенжатои кайни Таракса, товугинг доим анави хамсоямизникига чикиб тугиб келади, хозир хам шу ёқдан учиб кирди, ўзим кўрдим, деб колди. Келин кўнокда, хўрознинг бикинида кунишиб ўтирган товугига караб кўйди. Товукнинг кўзи илинай-илинай деб турибди. Нима дейди? Хой, ноинсоф, тухумингни кайси гўрга ташлаб келдинг, деб сўрайдими?

Келин хамсоянникига чикди. Гаврилонинг онаси рўпара бўлди.

— Хм, нима керак эди, келин? — деди кампир хушламай.

— Ха, шу товугимнинг важидан кирудим, бувижон, — деди келинчак, — хали замон зорманда какаглаб сиз томонга учиб ўтиб кетувди. Тухум-пухум кўймадимикан, деб...

— Кўрганим йўк, — деди кампир тўрсайиб, — худога шукур, товук ўзимизда хам бор, анчадан бери тухумлаб турибди. Биз бироннинг ховлисига кириб тухум териб юришга ўрганмаганмиз.

Бу гаплар келинни ўмганидан ўтиб кетди. Кампирга гап кайтарди. Кампир иккини кўндириди. Шундай килиб иккаласи чарс-чурс урушди колди. Иваннинг хотини арикдан сув олиб келаётган эди, у овсинининг ёнини олди. У ёқдан бакириб-чакириб

Гаврилонинг хотини чикди. Кўшнисига ёпишиб кетди. У рост-ёлгон гапларни аралаштириб хамсоясининг бетига ёзгира бошлади. Тўрт хотин тўрт томондан шангиллайди, кимнинг нима деётганини билиб бўлмайди. Кий-чув, хакорат, каргиш...

Жанжалнинг устига Гаврило келиб колди. Хотинининг тарафини олди. Кий-чувни эшитиб уйдан Иван отилиб чикди. Хотинлар бу ёқда колиб энди эркаклар олиша кетди. Ур-йикит бўлди. Иван бакувват эди, олдига келганни чирпирак килиб ташлайверди. У Гаврилонинг бир тутам соколини юлиб олди. Хай-хайлаб ён ёқдан халойик етиб келди, уришкокларни базўр ажрим килиб кўйдилар.

Ана шундай килиб, икки кўшни орасида адоват бошланди. Гаврило юлик соколини хатдафтарга ўрадиую Иванни судга бергани бўлиснинг хузурига йўл олди.

— Мен соколимни Ванька пахмоксоч юлсин, деб ўстирганим йўк. Сокол юлармиш-а.

Шошмай тур хали...

Гаврилонинг хотини “Иванни судга бердик, хадемай у камокка тушади, Сибирга кетади”,

деб күшнисига мактанди.

Иваннинг отаси бетоб бўлиб тахмон-печкада ётарди. У болаларига насиҳат килди, жанжал чиккан куниёқ уларни яраштиромкчи бўлди. Бирок ўгил гапга кўнмади.

— Хой, тентаклар, бир балони бошлай деб турибсанлар, — деди чол, — ўйиндан ўт чикади, деган гап бор. Кўйинглар энди! Килаётган ишларинг куракда турмайди. Бир дона тухум деб шунчаликка бординглар-а? Болапакир битта тухумингни олган бўлса — олибди. Нима бўпти, бир еринг камайиб колдими? Худонинг даргохи кенг, насибангни етказади. Ха, хўп, келиннинг оғзидан ёмон гап чикиб кетибдими, унга ётиги билан тушунтири, катталарга унака каттик гапирмагин, деб уришиб кўй. Сан-манга бориб ёкалашиб хам олибсанлар. Майли, турмушда хар нарса ўтади. Аммо уят иш бўлди. Энди, узр, кўшни, биздан ўтган бўлса, кечиринг, деб ярашиб олиш керак. Тамом, олам гулистон. Мен сендан колмайман деб касдлашсанг, окибати ёмон бўлади. Болалар отанинг гапини кулокка илмади. “Кокбош чол-да, насиҳатни яхши кўради, ўзи болачаям тушунмайди”, деб билганларидан колмади.

Иван кўшнисига бўйин эгмади.

Иван судга кетди. Гаврило иккови хакам олдида хам, бўлис хузурида хам даъволашиб кўрдилар. Улар судма-суд катнаб юрганларида Гаврилонинг аравасидан темир халкача йўколиб колди. Буни Иваннинг ўглига тўнкадилар.

Яна дов-дастак бошланди. Иккала четда тинчлик колмади. Худонинг берган куни ё асаббозлик, ё ур-тўполон. Катталарнинг килигини кўриб, болалар хам сўконгич бўлиб кетди.

Мужиклар аввало бир-бирини ўгрига чикариб, ўзаро тухмат тоши отиб юришувди. Бора-бора кўздан нари ётган нарсаларни ташмалашга тушди. Аёллар хам, болалар хам бироннинг буюмидан хазар килмайдиган бўлиб колди. Уларнинг турмуши эса, тобора чигаллашиб борарди. Иван билан Гаврило чўлок кишлокда, жамоат олдида хам, бўлису хакам олдида хам роса довлашди. Охири улар хамманинг жонига тегди. Гоҳо Гаврилонинг кўли баланд келиб, Иванга жарима тўлаттиради ёки бир-икки кунга каматтириб кўяди. Гоҳо Иван ютиб чикади, Гаврилонинг жазосини бердиради. Бири-биридан ўч олган сари иккови хам тобора ёвузлашиб, одамгарчиликдан чикиб борарди. Ана шундай ур-сур билан олти йил ўтди. Кўшниларга инсоф кирмади. Чол эса, тахмон-печкада ётганича хамон бир хилда ўгит айтади:

— Хўв, токайгача итдай талашаверасанлар, а? Бўлди-да энди. Ўтган ишга саловат дeng-лар-кўйинглар. Бир-бирингга тиш кайраган билан баттар бўлади, яхшиликка олиб бормайди.

Отанинг гапи кор килмади. Уруш-жанжалнинг еттинчи йили ўтиб борарди. Кайсиям бир тўйда Иваннинг хотини Гаврилони ўгрига чикарди. Эл-юрт олдида, “Эшитдингларми, анави чўлок от ўгирлаб кўлга тушибди, одамлар кўрибди”, деб жар солди. Гаврилонинг кайфи бор эди, ўзини тутолмади, аламидан гийбатчи хотинни урди. Иваннинг хотини этликкина, хўппа семиз эди, муштдан ўзига келолмай бир хафтача ётиб колди. “Энди кўлга тушдинг, аблах”, — деб кувонди ичиди Иван ва арз кўтариб терговчининг олдига борди. “Энди энангни кўрасан, зўравон”, — деди ўзича Иван, — “ё турмага тушасан, ё тўппа-тўгри Сибирга жўнайсан!”

Бирок Иваннинг иши ўнгидан келмади, терговчи жабрдийда аёлни чакиришиб текшириб кўрди. У оёкка туриб кетган, бирон ерига шикаст етмаган эди. Иван тинчимай тагин жаноб хакамга арз килди. Хакам ишни бўлисга юборди. Иван бўлиснинг кўнглини овлаш учун мирзаси икковига ярим пакир мусаллас берди. Хуллас, елди-югурди, Гаврилога

жазо берадиган карор чикади. Суд бўлди. Мирза хукмни ўкиди: “Суд карор килади. Мужик Гаврило Гордеевга бўлис маҳкамасида йигирма таёк урилсин...” Иван хукмни эшитдию, “Хўш энди у нима килар экан”, дегандек кўшнисига караб кўйди. Гаврилонинг бети докадек окариб кетди. Сўнг индамай дахлизга чикди. Иван хам кўчага чикди, от аравасига ўтириб уйига жўнамокчи эди, Гаврилонинг гапини эшитиб колди.

— Хай, майли, ниятига етди у. Таёк есак-ермиз. Бирок мен хам караб турмайман.

Уйингнинг кулини кўкка совураман. Хали пушаймон бўлади Иван.

Бўлис маҳкамадан кишлоккача ўн чакиримча келарди. Иван уйига кеч кайт-ди. Пода кайтадиган вакт бўлиби. Иван отини аравадан чикади, аравани жойига кўйиб, отини боғлаб ичкари кирди. Уйда хеч ким йўқ. Хотинлар подага кетган шекилли, деб ўйлади Иван. Болалар хам даладан кайтмабди. Иван ичгани ўтиб, хўрак ейдиган стол олдида чўкди. Хаёлга толди, Гаврилони эслади. Хукм ўкилганда унинг окариб кетгани, тескари ўгирилиб олгани кўз олдига келаверди. Юраги увишди. Агар калтакка уни эмас, мени буюрганларида кай ахволга тушардим, деб ўй сурди. Бирдан Гаврилога раҳми келди. Шу пайт отасининг йўталгани эшитилди. У тўшакдан туриб оёгини осилтириб ва инкиллаб печкадан туша бошлади. Кайта-кайта йўталиб судралгудек бўлиб аранг столга етиб келди. Бехол суяниб сўради:

— Нима бўлди? Гаврилога жазо беришдими?

— Хм. Йигирма таёк буюрдилар, — деди Иван.

Кария бош чайкади.

— Бекор киляпсан Ванъя, ох, бекор киляпсан! Ўз оёгингга ўзинг болта уряпсан, бола!

Хўп, ана, Гаврило таёк хам еди, дейлик. Бундан сенга бирон фойда борми? Бир бечорани калтаклатиб роҳат киласанми?

— Иккинчи марта номаъкул иш килмайдиган бўлади.

— Бу гапинг менга ёкмади. Ахир, сенинг килмишинг униқидан ошиб тушди-ку, Ванъя.

— Канакасига ошиб тушаркан? Индамасам хотинимни уриб ўлдиради. Мана, бугун хам уйига ўт кўяман, деди. Мен нима килишим керак, кечирсинлар, оёгига бош уришим керакми?

Кария ух тортиб тилга кирди:

— Иван, менга кара, болам, мана сенинг тўрт мучанг бутун. Бу ёруг жаҳонда дориломон кезиб юрибсан. Пиёда юрибсан, отда юрибсан. Мен бўлсам неча йилдирки, печкага ёпишиб ўладиган бўлиб ётибман. Сен ерда юриб хамма нарсани биламан, деб ўйлайсан, отам тўшакда ётиби, у хеч балони сезмайди, деб хомхаёл киласан. Йў-ўқ, йигитча, аксинча сен балониям билмайсан. Сенинг кўзларинг басир бўлиб колган. Кўз олдингни жаҳолат тўсиб туриби. Ичингдаги тогдай айбингни пайкамайсан, аммо бирорвнинг пашшадек гунохини дарров илгайсан. Гапингни караю. “У ўзи ёмонлик киляпти”, эмиш. Агарда айб ёлгиз Гаврилонинг ўзида бўлганида ёмонликнинг тухуми урчимасди. Ким айтди сенга ёмонликни бир одам килади, деб? Ёвузликнинг сабабчиси хеч качон бир киши бўлолмайди. Уни икки одам биргалашиб килади. Сен душманингнинг айини кўриб турибсану ўзинг-ниникини кўрмаяпсан, кўришни истамаяпсан. Мабодо у ахмок экан, сен донолик килмайсанми? Шунда ўртада мунака машмашалар чикмасди. Гаврилонинг соколини юлган ким? Хирмонни кун-паякун килган ким? Ким уни судма-суд судраб сарсон киляпти? Яна хамма айни у бечорага тўнкаяпсан. Одамнинг феъли ёмон бўлса, бошкалар хам кўзингга хунук кўринади. Бизлар бунака яшамагандик, болакай сенларга хам бўлакча тарбия берган эдик. Гаврилонинг отаси икковимиз канака эдик? Ён кўшни — жон кўшни эдик! Ўртада сеники, меники деган гап йўқ эди! Уларнинг уни тугаб колса

хотини киарди. “Фрол тога, пича ун бериб туриңг”. “Ана, келин, омборга киргину керагича олавер”, дердик. Унинг отини сугоришгами, ўтлокка олиб бориб боглаб кўйишгами одам топилмаса, чоп, Ванъя тоганг-га карашвор, дердим, эсингдами? А, менга бирор нарса аскотиб колса, тортишмай чикардим. Ана шунака кўшничилик килардик бизлар. Сенлар хам яйраб юрардинглар. Энди-чи, энди? Сенларнинг машмашаларингни бутун кишлок эшитди. Шуям тирикчилик бўлдими? Худодан кўркмайсанми? Эркаксан, бир уйнинг эгасисан. Шу нима бўлса сен жавоб берасан. Мундок танангга ўйлаб кўр-чи, хотин-халаж билан болаларни нимага ўргатяпсан? Итфеълликка, уруш-жанжалга. Тунов куни Тарасканг Арина холани онасидан тушиб бўралаб сўкиб турибди. Бўлмаса, ўзи хали муштдай бола, оғзидан она сути кетмаган. Кайси рисолада бор бу? Охиратингни ўйлаб кўр. Одам боласи хам шунака бўладими? Сен дард десанг, мен бало десам, сен бир тарсаки урсанг, мен икки марта туширсам... Шунаками? Йўқ, болакай, бу номаъкул юмиш. Бу худога хам хуш ёкмайди. Исо пайгамбаримиз дунё кезиб биз нодонларни нимага ўргатди? “Бирор сенга каттик гапирса, индамай кўя кол, ахмок билан тенг бўламанми, де. Охири ўша дилозорнинг ўзи ўсал бўлади” деган. Хм, нега мик этмайсан? Гапим ёкмадими?

Иван индамай ерга караб ўтираверди. Карияни йўтал тутди. Узок йўталди. Бир четга тупуриб гапини давом эттириди:

— Мундок турмушингга саросат солиб кўр-чи, шунча йил жанжаллашиб нима топдинг? Судларнинг оғзини мойлайман, деб канча дунёинг кетди. Уруш бўлган уйдан файз-барака кочади, дейдилар. Хакки рост экан. Сен бор-бүдингдан айрила бошладинг. Нега? Чунки манмансан, ўжарсан. Болаларингни ёнингга олиб ўзинг кўшга чикишинг керак эди. Ўзинг ер хайдаб, ўзинг галла экканингда дуруст бўларди. Йўқ, Гаврило билан судма-суд жикиллашиб юрдинг. Окибатда ризк-рўзингдан курук колдинг. Она ерга эгилсанг, у хам сендан саховатини дариг тутмайди. Мана, бу йил сули экдинг, битмади. Нега? Негаки, шахарда анави чўлек билан олишиб юриб кеч эккан эдинг. Демак, сен бирорга жазо бераман, деб аслида ўзингни жазоладинг, тушунасанми? Хов бола, мендек ёмон чолнинг гапига хам кулок сол: минбаъд бирор билан уришувчи бўлма, ёнингга болаларингни олиб ишингни билиб килавер. Бирор озор берса, парво килма, сенинг гапинг-ни елга бердим, деб кўя кол. Шунда ишинг олга босаверади, кўнглинг хам равшан бўлиб туради.

Иван хамон тек ўтириби.

— Менга кара, Ванъя, — деди ота. Хозир туриб тўгри оксоколнинг олдига боргину ишни бости-бости килиб кел. Азонлаб Гаврилонинг олдига чик, кечирим сўра, меҳмонга чакир. Ахир, эртага хайит-а. Самовар кайнатинглар, яримтани кўйинглар ўртага. Ўтган ишга саловат деб араз-гинани унутинглар. Аёлларга хам, болаларингга хам тайинлаб кўй. Улар душманчиликни унутиб, бояги-боягидек бўлиб юришсин.

Иван хўрсинди. “Отам тўгри айтаяпти, шунча йил жикка мушт бўлиб нима топдим, ке, ярашсам яраша колай”, деди ичиди. Бирок кайси бети билан Гаврилонинг олдига боришни ўйлаб хаёлга толди. Чол эса, гўё унинг фикрини ўқигандек тагин гап бошлади:

— Хм, бўла кол, Иван, ўйланма, тур ўрнингдан. Эсинг борида этагингни ёп, сўнгги пушмон ўзингга душман, дейдилар.

Кария яна нимадир демокчи эди, хотинлар кириб колишиди.

Улар загизгондай сайраб, гийбат халтасини очдилар. Нима дейсан, кишлок ўқитувчиси Гаврилонинг номидан пошшо хазратларига арз ёзаётган эмиш, хатда Иванларнинг жамики ўғирлигини бирма-бир кўрсатган эмиш, энди Иванга тегишли томорканинг ярми

Гаврилога ўтармиш... Хотин-халажнинг гийбатини эшитдию Иваннинг эриб турган кўнгли яна музлади колди. “Ўлсам хам ярашмайман!” деди у ичиди ва шартта ўрнидан туриб ховлига чикиб кетди. Иш дегани тикилиб ётарди. Иван сарой томонга ўтди. Пичан гарамини тартибида келтириб кунни кеч килди. Кун ботди. Уйига кайтди. Болалари даладан келишибди. Иван улардан хол сўради, отни аравадан чикаришга кўмаклашди. Бўйинтурук сўкилган экан, кейин тикарман, деб бир четга кўйди. У энди дахлизга кирувди, четан девор ортидан Гаврилонинг бакириб сўкингани эшитилди: “У иблис билан нима ишим бор? — деб кимгадир ўдагайлари Гаврило, — уни уриб ўлдирган одам савобга колади”. Бирдан Иваннинг кўксисида сўна бошлаган олов кайта ловиллаб ёнди. У кўшнисининг гапига кулок солиб тагин бир пас дахлизда турди-ю бир-бир босиб ичкари кирди. Уйда чирок ёниб турарди. Келин бурчакда ип йигириб ўтирибди, кампир козондан овкат сузмокчи бўляпти, катта ўгли чоригини ямаяпти, ўртанчаси китоб ўкиб ўтирибди. Хуллас, уйда енгил бир сарфарозлик хукм сурарди. Халигина Иваннинг хам димоги чог эди, анави бадфеъл кўшниси кайфиятини харом килди.

Тавба, ўзини ўйламаганига ўласанми, — деди ичиди Иван, — хас-хашак куриб, чирсиллаб турибди. Унинг устига бар ёкда шамол. Секин уйнинг сиртига ўтиб ўт кўйиб юборса, ким билиб ўтирибди. Гуриллаб ёнади-кетади. Кейин бўйнига кўёлмайсан. Иван саройини яна бир айланиб чикди ва уйга кирмокчи бўлди. Караса сарой ортида бир нима ялт этиб ёндию яна ўчди. Иваннинг юраги шиг этди. Такка тўхтади, киприк кокмай рўпарасига такилди. Шапка кийган бир киши чўнкайиб ўтирап, бир бог похолни ёкишга уриниб хадеб гугурт чакарди. Иваннинг юраги потирлаб кинидан чикиб кетай деди. “Энди кочиб кутуломмайсан, аблах!” дедио ташланди. Лекин улгуrolмади. Айвон тараф бирданига ярк этди. Олов сомон уюмининг ичидан чикиб томга ўрлади. Хамма ёк чарогон, сал нарида эса Гаврило гўддайиб турарди. Иван бўзтўргайга ташланган бургутдай Гаврилога отилди. У жон холатда оксокланиб кочди. Иван тўрт хатлаб Гаврилога етиб олди, ёкасига ёпишди. Гаврило юлкиниб кўлдан чикди. Иван кўшнисининг этагидан тутди. Этак шир этиб йиртилдию Иван юзтубан йикилди. Сакраб туриб тагин кува кетди. У йўл-йўлакай, “Хой ким бор, ёрдам беринглар-ар!” деб бакириб борарди.

Иван то ўрнидан тургунча Гаврило чўлокланиб ховлисига етиб олди. Иван уни кувиб кирди. Унгача Гаврило катта сўйил кўтариб Иванни пойлаб турди. Иван коронгида туртиниб бориб кўшнисининг ёкасидан олмокчи эди, Гаврило сўйил билан Иваннинг калласига солди. Иван эсидан огиб колай деди. Хушига келганида Гаврило гойиб бўлган эди. Хамма ёк чарагон, унинг ховлисидан чирсиллаган, гувиллаган товуш келарди. Иван ортига ўгирилди. Молхонасининг оркаси ёниб бўлиб, ёнбошига ўтибди. Осмонга кора тутун ўрлади, олов вишиллаб, учқун сачратиб уй томонга босиб келарди. — Бу канака бедодлик, биродарлар, канака бедодлик?! — деб бакирди Иван, кўлларини кўкка кўтариб. Сўнг икки сонини шапалоклаб ура бошлади, — уни кўлга туширувдим, оёқ остига олишим колувди, холос. Канака бедодлик бу, биродарлар!

У яна нимадир деб гапирмокчи эди, нафаси тикилиб товуши чикмай колди. Уйига караб югурай деса оёги чалиниб юролмайди. Тўхтаб-тўхтаб, судралиб кета бошлади. У саройига етгунча молхонасини тамом ўт олиб бўлган, олов уйнинг бир бурчагини, дарвозахонани коплаган эди. Уйга кирай деса, киролмайди, ичкаридан вишиллаб олов чикяпти.

Хар тарафдан хай-хайлаб одамлар чопиб кела бошлади. Бирок энди кеч бўлган, уйда куткарадиган хеч вако колмаган эди. Кўшнилар кўлга илинган буюм борки, ховлига

таший бошладилар.

Иваннинг уйидан кейин Гаврилонинг ховли жойи ёна бошлади. Шамол кучайди, кўни-кўшниларникига хам ўт кетди.

Иваннидагилар бемор чолнию ўзларини куткариб колишиди, холос. Уйдаги мол-дунё шундайлигича оловга ем бўлди. Тараска далага хайдаб кетган отлардан бўлак жами хайвон зоти ўтда колиб куйиб кетди: кўнокдаги товуклар хам, аравалар, омоч-бўйинтуруклару хотинларнинг сандиги, омбордаги галла — бари кул бўлиб кўкка совурилди.

Гаврилонинг молларини хайдаб чикариб улгуришди. Лекин уйдаги ашёларнинг аксарияти олов домида куйиб адо бўлди.

Ёнгин тонг отгунча ўчмади. Азонда Иванни чакириб оксолоннинг ўгли келди.

— Иван тога, отангиз ўляяпти экан, шунга Иванни чакиринглар, видолашиб колай, деди.

Фалокат ичida Иван отасининг ўлик-тиригини хам унутиб кўйган эди. Талмовсираб сўради:

— Кимнинг отасини айтаяпсан. Кимни чакиряпти?

— Отангиз сизни чакиряптилар. У киши бизницида ётиби. Сиз билан видолашиб колмокчи эканлар. Юринг, тога, — болакай Иваннинг енгидан тортди. Иван болага эргашиб йўлга тушди.

Карияни уйдан кўтариб чикаётганларида устига ёниб турган ёгоч тушиб бироз ерини кўйдирган экан. Уни оксолоннинг уйига олиб бориб жойлаштирибдилар. Оксокол кишлокдан чеккарока турар, унига ёнгин ўтмаган эди.

Иван оксолонниги кириб борди. Уйда оксолоннинг хотини бор экан. Колган каттаю кичик ўт ўчиришга кетишибди. Иван отасига яқинлашди. Чол шам ушлаганча ёгоч курсида чалканча ётар, эшикдан кўз узмасди. Ўглини кўриб безовталанди. Иван отасига якин борди. Ота аста сўз очди:

— Хўш, Ванъя, кишлокка ким ўт кўйди?

— Ана шу Гаврило, — деди Иван, — кўз олдимда похолни тутатиб томга отди. Ушлаб олгани улгоролмай колдим. Кўлидаги тутантирикни юлиб олиб тепкилаб ташлаганимда хеч бало бўлмасди.

— Иван, — деди ота, — менинг казоим якин. Бир кун сен хам ўласан. Тўгрисини айт, айб кимдан ўтди?

Иван отасига тикилди, лекин лом деб оғиз очмади.

— Худони ўртага кўйиб айт, Иван, айб кимда, сендами, ундами?

Бирдан Иваннинг кўзи ярк этиб очилгандек бўлди.

— Мендан ўтиби, отажон! — У тиз чўкиб йиглаб юборди, — Мени кечиринг? Сизнинг олдингизда хам, худонинг олдида хам гунохкорман...

Чол кўлларини аранг кимирлатди. Шамни чап кўлига олди, ўнг кўли билан чўкинмокчи бўлдию мажоли етмади.

— Ўзинг ёрлакагин, ё парвардигор! Ўзинг ёрлакагин, ё парвардигор! — деди кайта-кайта ва ўлига кўз кирини солди, — Ванъя, ха Ванъя!

— Лаббай, отажон!

— Энди нима киласан-а?

— Билмадим, ота, — деди Иван йиглаб туриб, — энди бу ёғига кандай кун кўрамиз, хайронман.

Чол кўзларини юмди, тамшанди, сўнгги кучини тўплаб олгандек, аста кўзини очиб деди:

— Кунларингни кўрасан. Худони ёдга олиб турсанглар кун ўтаверади, — чол жимиб

колди, огзини кийшайтирди ва базўр гудранди, — тилингга эхтиёт бўл, Ваня, уйимга фалончи ўт кўйди, деб зинхор айта кўрма. Сен бирорвнинг бир айбини кечирсанг, худо сенинг икки айбингни кечирали.

Чол шундай дедио икки кўллаб шамни ушлади, уни кўкрагига кўйди, оғир хўрсинди ва оёгини чўзиб жон таслим килди.

*Саъдулла Сиёев таржимаси*